

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
УРОЛЕСАН®
(UROLESAN)

Перпаратни савдо номи: Уролесан®

Таъсир этувчи моддаси (ХПН):

Дори шакли: капсула

Таркиби:

фоал моддалар: 1 капсула сақлайди: Уролесан® қуюқ экстракти (10-26:1) *Daucus carota* L., fructus (ёввойи сабзи меваси) / *Humulus lupulus* L., flos (оддий қумлоқ куббалари) / *Oreganum vulgare* L., herba (тоғрайхон ўти) (1/1,4/1), экстрагент – 96 % этанол ум./миқ., 10 % намлик ҳисобида – 10,70 мг; *Mentha × piperita* L., aetheroleum (қалампир ялпиз мойи) – 7,46 мг; *Abies sibirica* L., aetheroleum (сибир қарағай мойи) – 25,50 мг;

ёрдамчи моддалар: оғир магний карбонати, лактоза моногидрати, канақунжут мойи, магний алюмометасиликати (Неусилин UFL2), тальк, картошка крахмали, динатрий эдитати (трилон Б).

Қаттиқ желатинли капсула таркиби: сариқ хинолини, титан диоксиди, сариқ темир оксиди, патетланган мовий, желатин.

Таърифи: №0 қаттиқ желатинли капсула, корпуси ва қопқоғи яшил рангда. Капсула таркиби- қалампир ялпиз ва қарағай мойлари хидли сарғиш-кулрангдан то кулранг-жигарранггача бўлган яшил тусли заррали гранулаланган кукун ёки сиқилган масса. Босилганида сочилувчан агломератлар бўлишига йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Урологияда қўлланадиган восита.

АТХ коди: G04BX.

Фармакологик хусусиятлари

Келиб чиқиши ўсимлик бўлган мажмуавий препарат. Уролесан® препаратини таркибига кирувчи моддалар сийдик чиқариш йўллари ва буйракларда яллиғланиш кўринишларини камайтиради, буйрак ва жигарда қон айланишини кучайишига ёрдам беради, диуретик, антибактериал, сафро ҳайдовчи таъсир кўрсатади, сийдикда коллоид ҳимоя ҳосил қилади ва юқори сийдик йўллари ва ўт пуфаги силлиқ мушакларининг тонусини нормаллаштиради.

Уролесан® мочевина ва хлоридлар чиқарилишини оширади, сийдик пуфаги ва буйракдан майда конкрементлар ва қумларни чиқарилишини осонлаштиради.

Қўлланилиши

Ўткир ва сурункали сийдик чиқариш йўллари ва буйрак инфекциялари (цистит и пиелонефритлар); сийдик-тош касаллиги ва сийдик кислотали диатез (конкрементларни олиб ташлагандан кейин уларни ҳосил бўлишини олдини олиш); сурункали холецистит (шу жумладан калькулёз), ўт йўллари дискинезияси, ўт-тош касаллигида қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Препарат ичга, овқатдан олдин қабул қилинади.

Катталар ва 14 ёшдан катта болалар учун тавсия этиладиган дозалари: 1 капсуладан суткада 3 марта. Ўткир ҳолатларда (шу жумладан буйрак ва жигар санчикларида)

даволаш курси давомийлиги 5 кундан 7 кунгача, сурункали ҳолатларда – 7 кундан 1 ойгачани ташкил этади. Буйрак ва жигар санчиқлари пайдо бўлганда бир марталик дозани 2 капсулагача бир марта ошириш мумкин, кейин олдинги одатдаги бир марталик (1 капсула) дозани қабул қилишларга қайтилади.

Ножўя реакциялари

Одатда Уролесан® яхши ўзлаштирилади. Препаратни қабул қилганда:

- *овқат ҳазм қилиш йўллари томонидан:* диспептик кўринишлар (жумладан кўнгил айниши, қусиш);
- *иммун тизими томонидан:* аллергик реакциялар, жумладан қичишишни ҳис қилиш, юзни қизариши, тери тошмаси, эшакеми, ангионевротк шиш (оғизда ачишиш ҳисси, нафасни қийинлашиши, юзни, тилни шишлари), анафилактик шок;
- *марказий ва периферик нерв тизими томонидан:* бош айланиши, умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, атаксия, мушаклар тремори;
- *юрак-қон томир тизими томонидан:* артериал гипертензия, гипотензия, брадикардия кузатилиши мумкин.

Кўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик;
- гастрит, меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллиги;

Дориларнинг ўзаро таъсири

Ўрганилмаган.

Махсус кўрсатмалар

Агар компонентларни ўлчами 3 мм дан юқори бўлса, препаратни кўллаш мумкин эмас. Препарат таркибида лактоза ва маккажўхори крахмали ёрдамчи моддалар бўлганлиги туфайли ирсиятида галактозани қабул қилаолмаслик, лактаза тансиқлиги ёки галактоза ва глюкоза камабсорбцияси каби ноёб ирсий ўзгаришлари бўлган беморлар препаратнинг ушбу дори турини кўлламасликлари керак.

Ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида қўлланиши. Шифокор фикрига кўра баъзи ҳолларда аёл учун манфаатлар хомила учун мавжуд бўлган хавфдан юқори бўлган ҳолатларда препаратни кўллаш мумкин.

Автотранспортни ёки бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлигига таъсир хусусияти. Ўрганилмаган.

Болалар. 14 ёшгача бўлган болаларда Уролесан® препаратини суюқ ёки сироп дори турини кўллаш буюриш керак.

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач ишлатилмасин.

Дозани ошириб юборилиши

Доза ошириб юборилганда кўнгил айниши, бош айланиши кузатилиши мумкин.

Даволаш: Симптоматик терапия. Жуда кўп илиқ ичимлик, тинчлик, фоаллаштирилган кўмир, атропин сульфат (0,0005- 0,001 г) буюриш керак.

Чиқарилиш шакли

10 капсуладан блистерда, 4 блистердан қутида.

Сақлаш шароити

Оригинал ўрамда 25 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили.

«Киевмедпрепарат» ОАЖ.

Украина, 01032, Киев ш., Саксаганский кўч., 139.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

Ўзбекистон Республикасида “Артериум” Корпорациясини ваколатхонаси, Ташкент ш., 100000, Мустақиллик кўчаси, 59-уй.

Тел.: +99871 237 51 53

факс: +99871 237 51 54

E-mail: *Tashkent@arterium.ua*